

7-МОДУЛЬ. МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ

7.1. Илова

Муддатидан олдин овоз бериш тартиби



Муддатидан олдин овоз бериш фуқаролар сайлов хуқуқини таъминлашнинг муҳим мезони ҳисобланади

Мамлакатимиз сайлов қонунчилигига кўра, сайлов куни ўз яшаш жойида бўлмайдиган сайловчи муддатидан олдин овоз бериши мумкин

Сайловчи сайлов кунида бўла олмаслиги сабаблари кўрса-тилган ариза асосида участка сайлов комиссиясига мурожаат қиласи ҳамда сайлов бюллетенини олиб, овоз беришни амалга оширади.


УСК РАИСИ ВА АЪЗОЛАРИ!
Муддатидан олдин овоз бериш қачон бошланиши ва тугалланишини хар доим ёдда тутинг.

Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади

Муддатидан олдин овоз бериш сайловга уч кун қолганида тугалланади

Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказилади.

Муддатидан олдин овоз бериш нима учун зарурлиги ва қандай ҳолатларда амалга оширилиши бүйича қуидаги берилган чизмани тўлдиринг.



Муддатдан олдин овоз бериш
қандай амалга оширилади?

Муддатдан олдин овоз бериш сайлов
бюллетени орқали амалга оширилади.

Сайлов бюллетенининг шакли, сайлов
бюллетенларини тайёрлаш тартиби,
уларни сайлов участкаларига етказиб
бериш муддатлари Марказий сайлов
комиссияси томонидан белгиланади

7.2 илова

1-казус

Белгиланган УСКда муддатидан олдин овоз бериш вақти бугун соат 18-00да ниҳоясига етди. Лекин, фуқаро С. бу вақтга қадар ишдаги муаммолари ва сафар ҳужжатларини тайёрлаш билан бўлиб, муддатидан олдин овоз беришга улгурмай қолди. У эртага соат 09-00да хизмат сафари билан хорижга кетиши лозим.

Бу вазиятда фуқаро С. қандай ҳаракатларни амалга ошириш керак?

УСК раиси ва аъзолари қандай йўл тутиши лозим?

2-казус

Фуқаро ўғли хизмат сафарига юборилаётганлиги сабабли, сайлов кунига бир кун қолганда, ўз турар жойидан сайлов участкасиға кела олмаслиги ва муддатидан олдин овоз беришга рухсат беришлиги учун сайлов участкасиға мурожаат қилди.

Участка аъзолари сайлов кунига бир кун муддат қолганлигини важ қилиб, муддатдан олдин овоз беришга рухсат беришмади.

Ушбу вазият тўғрими?

Муддатидан олдин овоз бериш қандай ҳолларда ва тартибда амалга оширилади?

3-казус

Сайловчи меҳнат таътилида бўлганлиги сабабли сайлов куни сиҳатгоҳда даволанишда бўлади. Муддатидан олдин овоз бериш бошланадиган ва тугайдиган кунлари унинг даволаниш учун кетадиган вақтига тўғри келиб қолди.

Бу вазиятда сайловчи қандай ҳаракатларни амалга ошириши керак?

УСК раиси ва аъзолари унга қандай йўл-йўриқ кўрсатишлари керак?

4-казус

Фуқаро хизмат сафарига юборилаётганлиги сабабли, УСКга келиб муддатидан олдин овоз бериш ваколатидан фойдаланган ҳолда ўзи танлаган номзодга овоз бериб кетди. Лекин, тўлдирилган бюллетенни УСК раиси ва аъзоларининг эътиборсизлиги орқали конвертга солинмай, имзо қўйилмай белгиланган талаблар бажарилмай сейфга ташлаб қўйилди.

Асосий сайлов куни ниҳоясиға етгандан кейин, олдиндан овоз берилган бюллетенларни сейфдан олиш вақтида йўл қўйилган камчилик аниқланиб қолинди. Бу вазиятдан УСК раиси ва аъзолари қандай чиқиб кетиши мумкин?

5-казус

Ўзбекистондан сайлов кунида бўлмаслигини важ қилиб сайловчи А. участка сайлов комиссиясиға икки кун қолганда мурожаат қилиб чиқади, аммо айrim сабабларга қўра сайловчилик ҳуқуқини бажара олмасдан чиқиб кетади. Ушбу ҳолатда участка сайлов комиссиясининг харакати нималардан иборат?

Мазкур вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

6-казус

Муддатидан олдин овоз бериш фуқаро А. томонидан амалга оширилиш, участка сайлов комиссияси томонидан тушунтириб берилмаганлиги сабабли конверт елимлангандан сўнг сайловчи томонидан имзоланмасдан кетганлиги аниқланди, УСК фаолиятига баҳо беринг.

Мазкур вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

7-казус

АҚШда дам олиш учун кетган фуқаро Б. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловда иштирок этиш истагини билдириб, Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонасиға мурожаат қилди. Лекин, элчихона ходимлари қонунчиликка қўра элчихона биносида сайлов участкаси ташкил этилмаслигини, фуқаро ўзининг Ўзбекистондаги доимий яшаш жойи бўйича ёки электрон тартибда овоз бериши мумкинлигини маълум қилишди.

Сайлов ўтказилгандан сўнг фуқаро Б. Ўзбекистонга қайтиб келиб Марказий сайлов комиссиясига сиёсий ҳуқуқлари бузилганини таъкидлаб, шикоят аризаси билан мурожаат этди. Марказий сайлов комиссиясининг хатти харакатларини изохлаб беринг?

Мазкур вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

Муддатидан олдин овоз берувчи сайловчининг аризасини расмийлаштириш:

- участка сайлов комиссиялари аъзолари эътиборини аризани қабул қилиш масаласига алоҳида қаратиши лозим. Сайловчи аризасида сайлов қуни овоз бериш учун сайлов участкасиға кела олмаслик сабабини (важ) кўрсатса, шу аризасига асосан муддатидан олдин овоз бериш имкониятини яратиб бериши шарт;
- аризага ҳеч қандай қўшимча маълумот талаб этилмайди. Аризанинг ўзи етарли ҳисобланади.

7.3. Илова

Муддатидан олдин овоз берилган бюллетенларини сақланиши

Участка сайлов комиссиясида муддатидан олдин овоз берган сайловчиларнинг ҳисоби юритилади. Уларнинг тўғри ҳисобга олиниши ва сақланиши учун масъулият участка сайлов комиссиясининг қарори билан комиссия аъзоларидан бирига юклатилади. Муддатидан аввал овоз берган фуқаронинг сайловчилар рўйхатидаги фамилияси рўпарасига “Муддатидан олдин овоз берди”, деган белги қўйилади.

Ёдда түтнинг

*Унитишига ҳаққингиз
йўқ*

Муддатидан олдин овоз берадиган сайловчига сайлов бюллетени у томондан сайловчилар рўйхати кўчирмасига имзо қўйилгандан сўнг тақдим этилади

Сайлов бюллетени маҳсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки УСК хонасида сайловчи томонидан тўлдирилади

Сайловчи қарор қабул қиласи ва тўлдирилган сайлов бюллетенини ёпиқ конвертда қолдиради, конверт тегишли участка сайлов комиссиясининг сейфида сақланади

Конвертнинг елиманган жойига участка комиссиясининг икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг мухри ва овоз берувчининг имзоси билан тасдиқланади

Назорат саволлари ва топшириқлар

1. Муддатидан олдин овоз бериш учун сайловчи қандай харакатларни амалга оширади?

2. Муддатидан олдин овоз бериш жараёнида сайловчига нималар тушунтирилади?

3. Муддатидан олдин овоз берилган бюллетенлар қандай тартибда расмийлаштирилади?

7.4. Илова

Муддатдан олдин овоз берилган бюллетенларининг умумий овоз берилган бюллетенларига қўшиш тартиби



Овоз бериш вақти тугагандан кейин УСК раиси томонидан муддатидан олдин овоз берилган бюллетенлар солинган конвертлар сейфдан олинади

Бюллетенлар солинган конвертлар сейфдан олингандан кейин умумий сайлов бериш бюллетенлари қутисига ташланади

Бюллетенларни санаш вақтида конверт очилиб бюллетенъ умумий бюллетенларга қўшиб саналади

7.5. Илова

Назорат тестлари:

1. Муддатидан олдин овоз бериш деганда нимани тушунасиз?

- A) сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳукуқига эга
- B) сайлов кунидан бир кун олдин овоз бериш имконияти
- C) сайловга 15 кун қолганда овоз бериш шароити
- D) муддатдан олдин овоз бериш ҳукуқи УСК фаолиятини бошлагандан бошлаб таъминланади

2. Муддатидан олдин овоз бериш сайловга неча кун қолганида бошланади ва сайловга неча кун қолганида тугалланади?

- A) Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга уч кун қолганида тугалланади
- B) Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн беш қолганида бошланади ва сайловга беш кун қолганида тугалланади
- C) Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн беш қолганида бошланади ва сайловга бир кун қолганида тугалланади

D) Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн беш қолганида бошланади ва сайловга беш кун қолганида тугалланади

3. Муддатидан олдин овоз беришда сайловчи сайлов бюллетенини қандай тартибда расмийлаштириб топширади?

A) Сайловчи қарор қабул қиласи ва тўлдирилган сайлов бюллетенини ёпиқ конвертда қолдиради, конверт тегишли участка сайлов комиссиясининг сейфида сақланади. Конвертнинг елимланган жойига участка комиссиясининг икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг муҳри ва овоз берувчининг имзоси билан тасдиқланади

B) Сайловчи қарор қабул қиласи ва тўлдирилган сайлов бюллетенини ёпиқ конвертда қолдиради, конверт тегишли участка сайлов комиссиясининг сейфида сақланади

C) Сайловчи қарор қабул қиласи ва тўлдирилган сайлов бюллетенини ёпиқ конвертда қолдиради, конверт тегишли участка сайлов комиссиясининг сейфида сақланади. Конвертнинг елимланган жойига участка комиссиясининг икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб тасдиқланади

D) Сайловчи қарор қабул қиласи ва тўлдирилган сайлов бюллетенини ёпиқ конвертда қолдиради. Конверт участка комиссияси муҳри ва овоз берувчининг имзоси билан тасдиқланади

4. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти тегишли округ сайлов комиссияси томонидан қандай ташкиллаштиради?

A) Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти тегишли округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг эътиборига оммавий ахборот воситалари орқали етказилади

B) Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти тегишли туман/шаҳар сайлов комиссияси томонидан белгиланади

C) Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти тегишли вилоят сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва кузатувчилар эътиборига етказилади

D) Муддатидан олдин овоз беришни вақти туман ҳокимлиги томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг эътиборига етказилади

5. Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунида бўла олмаслиги сабабларини қандай расмийлаштириши керак?

A) Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунида бўла олмаслигининг сабаблари (таътил, хизмат сафари, хорижга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида тегишли участка сайлов комиссиясидан сайлов бюллетенини олади

B) Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунида бўла олмаслигининг сабаблари аниқ кўрсатилган ариза ва тасдиқловчи хужжат асосида тегишли участка сайлов комиссиясидан сайлов бюллетенини олади

C) Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловда бўла олмаслигининг сабаблари кўрсатилган тасдиқловчи хужжат асосида тегишли участка сайлов комиссиясидан сайлов бюллетенини олади

D) Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи холатини комиссия аъзоларига оғзаки тушунтириб бергандан сўнг, комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилиб сайловчини сайлаш хуқуқи таъминланади.

6. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати бу.....

A) Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ваколатли давлат органларининг ахборот базаларига мувофиқ сайловчи фуқаролар, уларнинг доимий ва вақтинча яшаш жойлари манзиллари ҳақидаги ахборотни ўз ичига олган давлат ахборот ресурсидир;

B) Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати тегишли давлат органлари томонидан тузилган сайлов жараёни иштирокчилари рўйхати;

C) Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ахборот вазирлиги томонидан шакллантирилади ва янгилаб турилади;

D) Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ваколатли давлат органларининг ахборот базаларига мувофиқ сайловчи ва сайланувчиларни ўз ичига олган давлат ахборот ресурсидир.

7. Сайловчиларнинг рўйхатини тузиш бу.....

A) Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган пайтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган фуқароларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади;

B) Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн олти ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган пайтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган фуқароларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади;

C) Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн етти ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган пайтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган фуқароларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади;

D) Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни балоғат ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган пайтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча рўйхатда турувчи фуқароларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади.

8. Сайловчиларнинг рўйхатларига ўзгартишлар киритиш сайловга неч кун қолганида тўхтатилади?

A) Сайловчиларнинг рўйхатларига ўзгартишлар киритиш сайловга уч кун қолганида тўхтатилади.

B) Сайловчиларнинг рўйхатларига ўзгартишлар киритиш сайловга бир кун қолганида тўхтатилади.

C) Сайловчиларнинг рўйхатларига ўзгартишлар киритиш сайловга беш кун қолганида тўхтатилади.

D) Сайловчиларнинг рўйхатларига ўзгартишлар киритиш сайловга ўн кун қолганида тўхтатилади.

9. Участка сайлов комиссияси сайловчидан сайлов кунида бўла олмаслигининг сабабларини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш хуқуқига эгами?

A) Участка сайлов комиссияси сайловчидан сайлов кунида бўла олмаслигининг сабабларини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

В) Участка сайлов комиссияси сайловчидан сайлов кунида бўла олмаслигининг сабабларини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш хуқуқига эга ва маълумотномани тақдим этиши шарт;

С) сайлов кунида бўла олмаслиги тўғрисида маълумотнома тақдим этиши ва ҳужжатларни нусхасини бериши керак;

Д) комиссия томонидан эътироф этилган барча ҳужжатларни тақдим этиши зарур.

10. Номзодларни рўйхатга олиш сайловга неча кун қолганида тугалланади?

А) Номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида тугалланади.

Б) Номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз кун қолганида тугалланади.

С) Номзодларни рўйхатга олиш сайловга қирқ кун қолганида тугалланади.

Д) Номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз саккиз кун қолганида тугалланади.